Ушбу сонда:
2 ДАРЁЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА
3 «КЎНГЛИ ТИЛАГАН МУРОДИГА ЕТСА КИШИ...»
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 12 феврал, шанба № 26 (1867)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚГУЛ - ЯРИМ ФИНАЛДА

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган «Hyderabad Open 2005» халқаро турнирида иштирок этаётган ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова жуфтлик беллашувларида россиялик теннисчи Татьяна Панова билан бирга ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Дастлаб Оқгул Омонмуродова ва Татьяна Панова украиналик оилавий дуэт - Катерина ҳамда Антонина Бондаренко жуфтлигини 6:0, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, навбатдаги босқичга ўтган эди. Ярим финалга чиқиш учун О.Омонмуродова ва Т.Панова турнирда биринчи рақамда сараланган А.Гренефельд (Германия) ва М.Навратилова (АҚШ) жуфтлигига қарши кортга чикди. Мазкур учрашувнинг биринчи сетида рақиб томон теннисчилари беллашувни давом эттира олмаслигини маълум қилди. Бу пайтда 3:2 ҳисобида олдинда бораётган О.Омонмуродова ва Т.Панова ярим финалда ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***Қ А Р О Р И***

Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жой-коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш;

коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни якка ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

барча юридик шахслар - коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календар ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган суммани нинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва, тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонига мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар тузилган шартномаларга мувофиқ, коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ҳолларда шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ, тўланмаган қарзларни айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида фуқаролик судларига даъво аризалари киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган эгасиз уй-жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари бўш ётган уй-жойларни уч ой муддатда хатлаб қўйсинлар.

Бўш ётган эгасиз уй-жойлар аниқланганида уларни белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказиш учун судга мурожаат этиш мақсадида уларни ҳисобга олиб қўйиш таъминлансин;

олти ойдан ортиқ коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақи тўланмаган бўш ётган уй-жойлар аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ уй-жой мулкдорларининг муайян жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун фуқаролик судларига даъво аризалари киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда суд органлари ушбу қарор ижроси бўйича қабул қилган қарорларни суд ижрочилари томонидан ижро этиш тартиби тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин камайтириш ҳамда тартибга келтириш чораларини кўрсин;

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 11 феврал

Хоноддаги «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси айни пайтда 25 турдаги кабел маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. Бу ерда йилига 10 миллиард сўмдан ортиқ саноатда кенг ишлатиладиган кабел истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

1200 нафар ишчи ва хизматчи меҳнат қилаётган мазкур корхонада ҳар ойда бир миллиард сўмликдан ортиқ кабел маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона маҳсулотлари харидоргир бўлиб, қўшни Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон, Россия ва бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Яқинда қўшма корхонада автомобиллар учун электр симлари ишлаб чиқариш тармоғи барпо этилиб, қўшимча яратилган 30 ўринга танлов асосида ишчилар қабул қилинмоқда.

Суратларда: техник назорат бўлими ходими Хосиятхон Мирзаева; 10 цех оператори Хайрулло Аҳмедов.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Бухоро вилоятида хорижий сармояларни жалб этиш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи В.Ҳусеновнинг таъкидлашича, ўтган йили вилоятга 29,1 миллиард сўм хориж сармояси жалб этилган. Бу кўрсаткич 2003 йилдагига нисбатан 4,1 марта кўп демакдир.

Вилоятда 2005-2007 йилларга мўлжалланган хорижий сармояларни жалб этиш дастури доирасида 226 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ҳозирда мазкур лойиҳаларнинг тўрттаси татбиқ этилиб, 19 таси устида иш олиб борилмоқда.



АҲОЛИ ХИЗМАТИГА ШАЙ

Шаҳар ҳаётини транспорт хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада жамоат транспорти алоҳида ўрин тутади.

Пойтахтимиздаги жамоат транспорти автокорхоналари томонидан бир йилда беш юз миллион нафарга яқин йўловчи ташилади.

"Тошшаҳарйўловчитранс" акциядорлик компаниясидан олинган маълумотга кўра, ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида мунтазам йўналишларда 1324 та автобус, 1045 та микроавтобус ва уч юзтадан зиёд трамвай ҳамда троллейбус ҳар куни йўловчиларни манзилига етказиб қўймоқда. Компания таркибидаги транспорт корхоналари хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида сўнгги бир йил ичида машина паркларини юзтадан зиёд "Мерседес-Бенц" ва бошқа русумдаги автобуслар билан тўлдирди. Жорий йилда ҳам энг замонавий автобусларни харид қилиш ва йўловчи ташишда улар хизматидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Ҳаракат таркибини мунтазам равишда шай ҳолатда ушлаб туриш учун ихтирочи ва рационализаторларнинг 282 та таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида олтмиш саккиз миллион сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Навоий. Беҳзод. Бобур» мавзуида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. У Камолиддин Беҳзод номидаги музей ҳамда Фанлар академияси Шарқшунослик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ

Тадбирда таъкидланганидек, ҳаёти ва ижодини инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик ишларига бағишлаган буюк аждодларимизнинг бой мероси олимлар ва рассомлар учун илҳом манбаи бўлиб келаётир. Айни вақтда улар яратиб қолдирган маънавий мерос ёш авлодни миллий қадриятларимизга ҳурмат, она Ватанга садоқат, халқпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир доирасида нодир қўлёзмалар ҳамда бадиий асарлар кўргазмаси очилди.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Вобкент туманидаги "Жобир-2001" фермер хўжалиги ўтган мавсумда юқори кўрсаткичларга эришди.

Мазкур фермер хўжалиги ўтган йили беш гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 71 центнер, саккиз гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 51,5 центнердан ҳосил олган эди. Айни пайтда юксак марраларни кўзлаган хўжалик аъзолари янги мавсумга тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқда.

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Адолатга интилиш инсонга хос хислат. Унга етишганда суюниб, топталганида беҳад куйинамиз. Кўнгилга таскин берадиган бу туйғунинг устуворлиги учун курашиб келаётганлар кўп. Шундайлардан бири мирзаободлик тадбиркор Шаҳноза Юнусалиевадир. Уни чув туширишга уринганлар боши эл орасида эгилиб қолди.

ҚОНУНГА ЗИД ИШ ТУТИЛГАН

Мирзачўлга унинг опаси Шахрибону Юнусалиева роҳат-фароғат истаб келмади. Эркаклар билан тенг ишлаш, бўз ерда дур ундиришнинг ўзи бўлмади. Узоқ йиллар Мирзаобод туманидаги Гулистон хўжалигида бригадани бошқарди. Ҳалол меҳнати элга танитди. Туманда эъзоз топди. Хўжалик ер майдонлари тендер танлови асосида фермер хўжаликларига тақсимланадиган бўлгач, биринчилар қаторида майдонга от солган ҳам шу аёл бўлди. Тендер танловида ютиб, 25 гектар экин майдонини ўз тасарруфига олди. Пахта экди, дон ўрди.

Дала юмушларининг кўп нозик жиҳатлари бор-ки, унда эркак кишининг ўрни яққол сезилиб қолади. Шу боис ҳам у ўзи ташкил этган «Бумарям» фермер хўжалиги аъзолигига ҳамкишлоғи Шуҳрат Эргашевни таклиф этди. «Биз оч бўлсак оч, тўқ бўлсак тўқ бўласиз» деганди у Шуҳратга ўшанда. Даромад ҳам буромад ҳам ёмонмасди. Аммо фермернинг саломатлига ёмонлашиб қолди. Ўзи тўшак тортиб, дард чекиб ётганида даласини ўйлади. Деҳқончилик юмушларига Шуҳратни бош, иш бошқарувчи қилиб қўйгачгина кўнгли тинчиди. Дарди кучайиб, бир неча ой тўшакка михланиб қолди. Саратон чилласи авжига минган бир паллада омонатини топширди. Онаси бошлаган ишни давом эттиришни фарзандлар ҳам қарз, ҳам фарз деб билишди. Аммо далада янги хўжайин пайдо бўлганини Юнусалиевлар қаердан билсин. «Бу пайкал энди бизники, унинг раҳбари укам Комил Эргашев бўлади», деди иш бошқарувчи Шуҳрат Эргашев. Ҳатто «Бумарям» фермер хўжалигига раҳбар этиб Комил Эргашев тайинлангани хусусидаги туман ҳокимининг 384-қарорини дастак қилиб кўрсатди.

- Онамиз далани суярди. Қош қорайгунча эгатларни оралаб завқланарди. У кишининг руҳлари шод бўлсин дея биз фарзандлар бошлаган ишини давом эттиришга қарор қилдик, - дейди марҳуманинг қизи Шаҳноза Юнусалиева. - Аммо биз ўз ёғимизга қоврилиб ётган бир чоғда иш бошқарувчи Шуҳрат Эргашев фермер хўжалигини ўз укаси номига расмийлаштириб олган экан.

Адолат тамойили бузилганидан ранжиган Юнусалиевлар бир қатор идораларга мурожаат этди. Лекин ҳеч ким улар арзи-додига қулоқ тутмади. Охир-оқибатда улар ўтган йилнинг 14 февралида фермер хўжалиги аъзолари йиғилишининг сохта қарорини тайёрлайди. Унда аъзолар бир овоздан Комил Эргашевни раҳбар вазифасига тайинлаганмиш. Аслида аъзолар уёқда турсин, янги раиснинг ўзи ҳам бу мажлисдан бехабар эди. Хуллас, сохта ҳужжатлар асосида туман ҳокимининг юқоридаги қарори билан К.Эргашев бир юмалаб «Бумарям» фермер хўжалиги раҳбарига айланди қолди.

- Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қоннунинг 13-моддасида, агар фермер хўжалиги раҳбари вафот этса, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи мерос бўйича фарзандларига ўтиши қайд этилган, - дейди Мирзаобод туман прокурори Дўстмурод Холбоев. - Текширишларда ушбу қонунга зид иш тутилгани аниқланди. Прокуратура аралашуви билан туман ҳокимининг «Бумарям» фермер хўжалигига таллуқли 384-сонли қарори бекор қилиниб, ер майдони марҳум Ш.Юнусалиеванинг қизи Шаҳноза Юнусалиева номига расмийлаштириб берилди.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Касаба уюшма ёрдами билан

Бугун касаба уюшмаларининг жўшқин ҳаётини одамлардан, тўғрироғи, ўз аъзоларидан келаётган хатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларда даврнинг бугунги нафаси, одамларнинг қувонч ва ташвишлари мужассам.

ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Хўш, Навоий вилоятида шундай экан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2001 йил 5 апрелдаги 5-, 8-қарорлари билан тасдиқланган «Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби» қандай бажарилмоқда? Одамлар ўз хатларида кўтарилаётган масалаларга берилаётган жавоблардан қониқиш ҳосил қилаяптиларми?

Ҳисобот даврида вилоят касаба уюшмаларига 2730 та мурожаатлар қилинган бўлиб, шундан 1521 таси ёзма, 1209 таси оғзаки мурожаатлардир. Улардан 2367 таси ижобий ҳал этилган. Қолганлари асоссиз, деб топилган.

Ҳеч кимга сир эмас, хатда кўтарилган муаммони ечиш баъзан қийин кечади. Масалан, вилоят Кенгаши ижтимоий ҳимоя бўлими бошлиғи Йўлдош Шодмонов «Қизилқумцемент» қошидаги кичик корхонада ишлаган Полвоновнинг ноҳақ ишдан бўшатишгани, боласи учун нафақа пулини ҳам ололмаётгани ҳақидаги шикоятини текширишда олти ойдан ошиқ мазкур маҳкама эшигига қатнади. Натижада масала ҳал этилди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўтган йили вилоят касаба уюшмаларига тушган 17 ёзма, 70 оғзаки мурожаатларнинг деярли ижобий ҳал этилиши ходимлардан жуда катта ғайрат-шижоат, чидам, сабр-бардош талаб қилинганини тушуниш мумкин. Жумладан, Навоий шаҳри Халқлар Дўстлиги кўчаси 93-уй, 2-хонадонда яшовчи Сайёра Тошевага моддий ёрдам кўрсатилди. Кармана туманидаги «Нарпай» хўжалиги 2-бўлимида яшовчи Зайнаб Азизовага 365 минг сўм, Нурота туманидаги «Ғозғонмармар» ҳиссадорлик жамияти собиқ ишчиси Эсан Шафиевга 182 минг сўм иш ҳақи, Хатирчи туманидаги Ш. Тўраеванинг 48 минг сўмлик мукофот пуллари ундириб берилди, «Навоийтола» масъулияти чекланган жамият ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Хабибулло Бобомуродовнинг, Хатирчи тумани А. Ёрлақабов ширкат хўжалиги Хонақа қишлоғида яшовчи Мухтор Тўқсоновнинг ва Навоий «Сифат» ширкати таъмирловчиси Исмат Тўраевнинг ўз ишига тикланганлиги вилоят касаба уюшмаларининг ишловчилар олдида ўз масъулиятини нечоғлик уддалаётганини кўрсатмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Истиқлол берган имкон

БУГУН «РЕЗАКСОЙ» СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИДА

Наманган вилояти ҳудудининг осмонўпар тоғлар, адирликлар ташкил этади. Тўғри, кейинги 20 - 30 йил ичида Катта Наманган каналининг қурилиши, янги-янги сув омборлари ҳамда қўшимча ирригация тармоқларининг барпо қилиниши туфайли қир ва адирликлардан юзлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Бироқ аҳоли нуфузи тез суръатларда ўсиб бормоқда, бу эса ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни, махсулот етиштиришни, кўпайтиришни тақозо этмоқда. Айни кунларда жадал суръатлар билан бунёд этилаётган «Резаксой» сув омбори ана шу эзгу мақсадга мўлжалланган.

ДАРЁЛАР ТУТАШГАН ЖОЙДА

Фарғона водийси қишлоқ хўжалигининг Норин ва Қорадарёлар билан таъминланганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Қорадарё водийнинг кун чиқар томонидаги тоғлардан бошланиб, унинг кўплаб ирмоқлари Андижон вилоятидаги «Кампиробод» сув омборига йиғилади ва бу ерда тўпланиб керакли мақсадларига йўналтирилади. У йўл-йўлакай Катта Фарғона канали ва бошқа кўпдан-кўп ирригация тармоқларига бўлиниб, бир қисми ёз ойларида Норин дарёсига келиб қўшилади. Норин водийнинг кун ботиш томонидаги осмонўпар тоғлардан бошланадиган, йўл-йўлакай ўз сувини ўнлаб сой ҳамда каналларга тарқатиб, ниҳоят Учқўрғон, Уйчи, Норин, Мингбулоқ ва Наманган туманлари далаларини суғоради. Суғорибгина қолмасдан қиш ва баҳор ойларида ана шу ҳудудларда тошқинлар ҳосил қилиб, ўнлаб гектар экин майдонларига жиддий зарар ҳам етказади. Қишлоқ хўжалигини суғоришга айни эҳтиёж кучайган паллага келиб улкан дарё ўзанида сув жилдирабгина оқадиган бўлиб қолади. Ҳолбуки, айни шу ойларда ғўза, сабзавот ва бошқа экинларнинг сувга бўлган эҳтиёжи бир неча баробар ортади. Бу муаммо ҳукуматимиз томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Норинни қиш ва баҳор ойларида беҳуда оқиб ўтадиган, Андижон ва Наманган вилоятлари қишлоқ хўжалигига зиён етказадиган қисмини вегетация даври учун тўплаб олиш мақсадида «Резаксой» сув омборини барпо этиш юзасидан Республика ҳукумати томонидан махсус қарор қабул қилинди. Сув омбори қурилиши эса Қорадарё билан Норин қуйиладиган жойдан сал қуйида, Резаксой номи билан аталувчи сой ўрнида белгиланди.

Шу тариқа, 2003 йилнинг октябр ойида иншоотнинг биринчи навбатини бунёд этиш учун мамлакатдаги энг йирик қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер танлови ўтказилди. Унда сув омбори қуриш бўйича катта тажриба тўплаган «ТўпалангсувГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамият ғолиб чиқди. Ноябр ойида мазкур жамияти 220 кишилик жамоа билан иш бошлади. «1-Наманганқурилиш» акциядорлик жамияти бош пудратчи этиб тайинланган бўлса, яна 49 та ёрдамчи ёлланма пудратчилар унга кўмаклашмоқда. Ўзбекистондаги энг йирик сув омборларидан бири бўладиган иншоотнинг биринчи навбати барпо этилиши учун мамлакат бюджетидан 23 миллиард 657 миллион 912 минг сўм маблағ ажратилди.

Режага кўра биринчи навбат тўғонининг дастлабки қисми баландлиги 48, узунлиги 1528 метр бўлади. Сув йиғими эса 660 миллион кубометрга етади. Қурилиш муддати жорий йилнинг ноябр ойигача этиб белгиланган. Ҳозиргача эса 11 миллиард 522 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Айни пайтда сув чиқариш иншооти бўйича диаметри 2400 мм.ли темир қувурларни монтаж қилиш ишлари бошланди. Бу ерда шу кунда 800 га яқин ишчи меҳнат қиляпти, уч юзга яқин техника ва механизмлар ишлатилмоқда. Умуман, сув омбори қурилишида деярли барча вилоятлардан келган ва Марказий Осиёдаги шу сингари йирик иншоотлар қурилишида меҳнат қилиб ўзини кўрсатган моҳир қурувчилар иштирок этмоқдалар.

Тўғоннинг биринчи навбати қурилиши белгиланган муддатдан уч ой илгари битказилади. Айни пайтда Марказий Осиёдаги йирик сув иншоотларидан бири бўладиган ушбу сунъий денгизни барпо этишда иш тобора авжига чиқиб бормоқда.

Сув омбори ишга тушгач, ундан келадиган иқтисодий самара жуда катта бўлади. Аввало, вилоятнинг қатор туманларида сув таъминоти кескин яхшиланади. Қир ва адирликлардаги қақраб ётган неча юзлаб гектар ер майдонлари ўзлаштирилади. Қолаверса, ундан фақат водий вилоятларигина наф кўриб қолмайди. Вегетация даврида Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ҳам сув таъминоти яхшиланади. Бу эса неча минг тонналаб пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кескин ортади, демакдир. Хуллас, қад кўтараётган ушбу сув омбори жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнаши, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ортиши йўлида хизмат қилади.

Зокиржон РАСУЛОВ,
вилоят 9-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси бошлиғи

НИЯТИ УЛУҒ, ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ

Ўтган йил куз ойларида Мингбулоқ туманига йўлим тушиб қолди. Туманнинг қўшни Фарғона вилояти Қўқон зонасига чегарадош далаларини айланишга тўғри келди. Шунда мени бир нарса афсуслантирди. Қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ сарфланиб ўзлаштирилган кафтдек текис, кўрсанг суқинг кирадиган ана шу майдонларнинг талай қисми бекор ётибди. Ахир, бу ерларда деҳқончилик қилиб, халқ турмуш фаровонлигининг юксалишига ҳисса қўшиш мумкин эди-ку! Бунинг битта сабаби бор. Янги ўзлаштирилган ерлардан фойдаланилмаслигига сув тақчиллиги тўсиқ бўлаётган эди.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, «Резаксой» сув омборининг бунёд этилаётганлиги нур устига аъло нур бўлмоқда. Энди умрини беҳуда ўтказаётган ер майдонлари мустақил мамлакатимиз гуллаб-яшнаши, шаҳар-қишлоқларимиз ободонлашуви, дастурхонимиз тўкин бўлиши йўлида хизмат қилади. Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида меҳнат қилаётган, қишнинг чилла кунларида ҳам сабот билан тер тўкаётган қурувчиларга ҳорманг, омад ёр бўлсин, яхши ишлар билан эл олқишини ола беринг, дейман!

Абдураҳим ҲОМИДОВ,
Тўрақўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

«Резаксой» ўз аҳамияти, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги самараси жиҳатидан фақат мамлакатимиздагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам шу типдаги ирригация иншоотлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бинобарин, у зардбор иншоот деб эълон қилиниб, тезроқ бунёд этиш учун ғайрат-шижоат кўсатиляпти.

ХАЛҚНИНГ КАТТА ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

Сув омбори қурилиши мураккаб шароитда олиб борилмоқда. Иш бораётган адирликларда катта-катта харсангларни қўпоришга тўғри келаётир. Шунинг учун ҳам бульдозер, скрейпер ва экскаваторларда тез-тез носозликлар юз бериши мумкин. Ана шуни назарда тутган ҳолда ўндан ортиқ кўчма устахоналар ишлаб турибди. Улар ҳаво телефонлари чақируви асосида носозлик юз берган жойга тезлик билан етиб бориб, техник ёрдам кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда техника ва механизмларни соз ишлатишдаги муҳим воситалардан ҳисобланган ёқилғи-мойлаш материалларини, бошқа турдаги техник заҳираларни етказиб бериш ҳам зудлик билан бажарилмоқда. Кўчма устахоналаримизда техник кўмак кўрсатадиган ўттизга яқин усталаримизнинг ҳаммаси сув омборлари қурилишларида ишлаб, шу соҳада катта тажриба ва кўникма ҳосил қилишган. Шу боисдан ишлатилаётган бирон техниканинг бузилиб узоқ туриб қолишига йўл қўйилмаяпти.

Исмоил ЭРГАШЕВ,
техник назоратчи



Сув келтириш азалдан хайрли иш ҳисобланган. Шунинг учун ҳам меҳнат фаолиятимни сув омборларини бунёд этишга бағишлаганман. Мамлакат миқёсида ўз аҳамияти ва ҳажми жиҳатдан иккинчи ўринни эгаллайдиган «Резаксой» сув омбори қурилишининг биринчи навбатини бунёд этиш учун ўтказилган тендер танловида «ТўпалангсувГЭСқурилиш» масъулияти чекланган жамиятимиз ғолиб чиққанлигини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Бу улкан бунёдкорликка муносиб ҳисса қўшишга астойдил бел боғладим.

Сув омбори қурилишида автомашина ҳайдовчилари зиммасига катта вазифа юкланган бўлади. Чунки сув омборини барпо этиш жараёнида катта ҳажмда тупроқ, бетон қуйиш, юк ташиш ишлари бажарилади. Масалан, ўтган йилнинг охирларигача қурилишда 170 та юк автомашинаси тиним билмади. Йил охирида эса улар сафига яна 48 та МАЗ ва 8 та БелАЗ автомашиналари келиб қўшилди. Машиналар сониданоқ иншоотда қанчалик улкан ҳажмдаги юмуш уддаланаётганлигини билиш мумкин. Қурилиш бошланганидан буён ўтган йилнинг охиригача 2 миллион 136 минг кубометр ҳажмда тупроқ қазиш ишлари бажарилди. 2 миллион 358 минг кубометр шағал ташилиб, 8 минг кубометр бетон қуйилди. Бу бемисл бунёдкорлик ишининг бажарилишида бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан, бу борада Абдусалом Авазов, Жумақул Хушназаров, Муҳиддин Оппоқов сингари ҳайдовчилар эришаётган ютуқлардан фахрланамиз.

АВТОМАШИНАЛАР ТЎХТОВСИЗ ИШЛАМОҚДА

Кези келганида яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: унумли меҳнат қилишимиз, аниқроғи, автомашиналарнинг тўхтовсиз ишлаши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган. Ёнилғи ва эҳтиёт қисмлар вақтида етказиб турилибди. Шунинг учун ҳам бирон транспорт турининг у ёки бу сабаб билан ортиқча тўхтаб қолиш ҳолати кузатилмаяпти. Бу эса меҳнат унумдорлигини таъминлаяпти.

Жўрақул ДАМИНОВ,
ҳайдовчи

Мамлакатимизнинг кўплаб улкан қурилиш объектларида ишлаганман. Лекин водийнинг кўриниши, хусусан, ҳозирда ўзимиз қураётган «Резаксой» сув омбори табиати мени мафтун этди. Одамлари ҳам ширинзабон, меҳнаткаш. Қайси бири билан мулоқот қилманг, дарров уйига таклиф этади. Мен ишда толиқиш билмайдиган, барчага яхшилик тилайдиган, топганини дастурхонга қўядиган мана шундай инсонлар билан танишганимдан, уларнинг яратувчилик ишларига хиссам қўшилаётганидан хурсандман.

...БУ АЙТИШГАГИНА ОСОН

Ўз ишимиз ҳақида гапирадиган бўлсам, қурилишда 38 та экскаватор, 41 та бульдозер ишлатиляпти. Сув омбори барпо этишдаги асосий иш бизнинг зиммамизга юклатилган. Чунки сув омбори ўзанини бунёд қилиш ва кенгайтириш, тўғонни тиклаш, мустаҳкамлаш каби юмушларни асосан бульдозерчилар ва экскаваторчилар бажаришади.

Айни қиш чилласи кунларида ҳам кеча-ю кундуз иш олиб бориляпти. Жамоамизда кунлик режасини бажармайдиган одамни топиш қийин. Ҳар бир экскаватор машинисти ва бульдозерчи ўзига юклатилган вазифани виждонан бажаряпти. Шунинг учун кунлик иш режасини бир яримикки баробар адо этиш одатий ҳолга айланган. Лекин ҳар соҳанинг ўз байроқдорлари бўлганидек, Меликул Субҳонов, Саъдулло Қурбонов, Миррахмат Зиёвиддинов, Абдулла Деҳқонов сингари ҳамкасбларимиз эришаётган меҳнат муваффақиятлари билан ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Қолаверса, унумли меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Иш ҳақимиз вақтида бериб бориляпти. Масалан, биз, экскаватор машинистларининг ўртача ойлик маошимиз 100-120 минг сўмданга тўғри келаяпти.

Раҳмат ҲАКИМОВ,
экскаватор машинисти

НИМАЛАРГА ҚОДИРЛИГИМИЗНИ КЎРИБ ҚЎЙИШСИН

Яхши ният йўлдошинг бўлса, омад сенга ҳамроҳ бўлаверади, деган гап бор. Бизнинг халқимиз ҳамиша эзгу мақсадни дилга жо қилиб яшайди, қуриш ва яратишни, юртни ободонлаштиришни ўзига шиор қилиб олган. Бундан қирқ-эллик йил олдинги Ўзбекистон билан ҳозирги мамлакатимиз кўринишини чоғиштириб кўрган киши бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Мирзачўл ва Қарши даштида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, мустақилликка эришганимиздан сўнг юз берган жаҳоншумул ўзгаришлар бунинг тасдиғи эмасми!

Бугунги кунда биз иштирок этаётган сув омбори қурилиши ҳам ана шундай савоб ишларнинг бир қисми, истиқлолимиз шарофатидир. Москвага қарам бўлган пайтимизда маҳаллада битта ҳовуз қазиш зарурати туғилса ҳам марказдан рухсат олишга тўғри келганлигини унутмаймиз. Бугун эса «Резаксой» сув омбори қурилишидек улкан ҳажмдаги ишларни ҳам ўз ихтиёримиз ва ўз кучимиз билан уддаламоқдамиз.

Қурилиш бошланганидан бери ҳар қандай киши тасаввурига сиғдира олмайдиган ишлар бажарилди. Масалан, биргина бизнинг соҳамиз бўйича рақамлар тили билан ифодалаганда, 2 миллион 358 минг кубометр шағал ташилиб, 8 минг кубометр бетон қуйилди. Тошкент-Наманган йўлидаги «Резаксой» кўпригининг ўнг қисмидан то Сирдарёга қадар 13-14 чақиримга чўзилган бўлажак сув омборининг зарур топилган қисмига бетон ётқизилмоқда.

Абдулҳай КАРИМОВ,
бетон қуювчи

ҚУРУВЧИЛАР ШАҲАРЧАСИДА

Биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган шаҳарча ҳеч бир харитада қайд этилмаган. Унинг белгиси ҳам, номи ҳам йўқ. Зеро, Сирдарё соҳилларидаги катта йўлдан унча узоқ бўлмаган жойда ўрнашган бу масканда кўчалар қурилмаган, кўп қаватли уйлар ҳам йўқ. Аммо бу ерда 250-300 кишининг истиқомат қилиши, тўкис ҳаёт кечириши учун барча қулайликлар мавжуд. Қурувчиларнинг кўчма шаҳарчаси ҳақида гап бораётганлигини аллақачон пайқагандирсиз. Ҳа, сув омбори бунёдкорлари фидокорона меҳнат қилиш билан бирга ишдан сўнг ушбу шаҳарчада мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

Бу ердан атрофга назар ташласангиз, чўкиб ётган афсонавий улкан нортуялар карвони сингари адирликлар кишини хаёлотга чўмдиради. Табиатнинг кўзга кўринмас қўллари билан бунёдга келган бу адирликлар инсон боласи аралашмаганида, эҳтимолки, яна неча минг йиллар ўз қиёфасини ўзгартирмас, баҳор пайтида бир неча қур яшил тусга киришини демасангиз, яна неча минг йиллар тарашадек қақшаб ётаверарди. Бугун унинг совуқ қиёфасига мустақилликка эришган Ўзбекистон фуқароси чирой бағишламоқда. Ҳа, Амир Темур, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний ва Навоий сингари қанчадан-қанча донишмандлар, шоиру алломалар авлоди саналган ўзбек фарзанди унинг қиёфасини ўзгартирмоқда. Иншоотнинг биринчи навбати ишга тушириладиган амалдаги йилда ана шу адирликлар ўз қиёфасини ўзгартиришни бошлайди. Сув омбори атрофини боғ-роғларга, экинзорларга айлантириш режаси шу йилдан эътиборан қоғоздан амалиётга кўчади. Ён-атрофда янги хўжаликлар ташкил этилади. Улар она Ўзбекистонимиз куч-қудратини ошириш, халқимиз дастурхонини тўкин этишга хизмат қилишни бошлайди.

- Қаердаки, бунёдкорлик иши билан шуғулланадиган бўлсак, ўша ерда кўчма шаҳарча қуриб оламиз, - дейди биз билан суҳбатда қурилиш бошлиғи Муродқул Аширбоев. - Бу ерда ҳам ишга киришишдан олдин анъанамизга содиқ қолдик: замонавий коттежлар барпо этдик. Икки ва тўрт кишидан иборат гуруҳ яшайдиган хоналарда барча қулайликлар мавжуд. Ишчилар учун кунига уч маҳалдан бепул иссиқ овқат тайёрлаб бериш йўлга қўйилган. Ҳаммом кечакундуз ишлаб турибди. Сиҳат-саломатлик йили да, айниқса қурувчиларимиз соғлигини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратяпмиз. Шифокорлар ишчи-хизматчиларимиз соғлиғини кечаю кундуз назорат қилиб боришяпти.

Биз қурувчилар шаҳарчасида бўлганимизда сменаларини топшириб қайтган булдозерчи ва скрейперчилар Санчинбой Ҳамидов, Жумақул Бобоев, Шароф Асатуллаев, Илҳом Шарипов ва бошқалар яратилган шароитдан мамнун эканликларини билдиришди. Дарҳақиқат, шаҳарчадаги ошхонада тайёрланаётган таомлар сифати катта шаҳардаги ресторанларникидан сира қолишмайди. Мазали ва тўйимли. Айниқса, борлиқда қиш чилласи ҳукмрон бўлган, қир ва адирликларни қор кўрпаси қоплаган шу кунларда дастурхонга кўкатлар ва дармондорига бой мевалар қўйилаётганлиги бизни хушнуд этди.

- Бунинг асло муаммо жойи йўқ, - дея суҳбатда давом этди бошлиқ. - Биз ишлаётган Чуст туманининг деярли барча хўжаликларида олма ва ўрик сероб. Ён қўшнимиз анорчилик хўжалигидан эса анор оляпмиз. Қарабсизки, дастурхонимиз саломатлик учун энг зарур мевалар билан тўкин.

Яна бир нарса бизга мамнуният бағишлади. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 90-110 минг сўмданга тўғри келяпти. Тушликда бериладиган овқат эса текин. Бунинг устига вақти-вақти билан мукофот пули бериб борилянпти.

...Бир дақиқа хаёлга бериламиз ва адирлар оралиғида чайқалиб ётган улкан сув омборини кўз олдимизга келтирамиз. Кумушсимон об-ҳаёт узра сув қушлари чарх урмоқда. Асрлар бўйи тарашадек қотиб ётган адирлик боғларга ва ям-яшил экинзорларга бурканган. Ҳа, ўша кунлар узоқ эмас. Эндиликда ана шундай дамларни бугун экскаватор, бульдозер ва скрейпер ҳамда автомашиналар рулини бошқараётган, юзлари қир офтобида қорайган, чилла совуқларида чиниққан бунёдкор кишилар яқинлаштирмоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири



Ҳ.МАМАДАЛИЕВ олган суратлар

ҲАР ВАҚТКИ КЎРГАЙСЕН МЕНИНГ СЎЗУМНИ, СЎЗУМНИ ЎҚУБ СОҒИНГАЙСЕН ЎЗУМНИ

«КЎНГЛИ ТИЛАГАН МУРОДИГА ЕТСА КИШИ...»

Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири, филология фанлари доктори Иброҳим ҲАҚҚУЛ билан мулоқот

- Иброҳим ака, тарих - келажак пойдевори. Навоий, Бобур каби улуғларимиз биз учун ўлмас тарих, маънавий бойлик. Гўё Алишер Навоий билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур мумтоз адабиётимизнинг бамисли бир-бирига елка тутиб турган маҳобатли тоғнинг икки улкан чўққисидир. «Хамса» - сўз салтанатининг буюк қомуси бўлса, «Бобурнома» эса халқимиз маънавий тафаккури тарихининг гўзал намунаси. Машҳур муаррих Мирзо Ҳайдар таъбири билан айтадиган бўлсак: «Туркий шеърни Амир Алишердан кейин ҳеч ким Бобур даражасида ёзган эмас». Шу билан бирга Бобур халқимиз даҳолик закосини дунёга танитган ёрқин шахслардан бири. Унинг илмий-адабий мероси эса миллатимизнинг бебаҳо хазинасидир. Ишонамизки, Бобур ижодиёти, тажриба сабоқлари ёшларимизни маънавий юксакликка кўтарилишда беқиёс ёрдам беради. Суҳбатимизни шоир маънавий салоҳияти, кўнгил фалсафаси сирларидан бошласак.

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни, дегил,
Ҳар ким мени билса бу паёмимни дегил,
Мендин демагил гар унутғон бўлсам,
Ҳар кимки, мени сўрса, саломимни дегил.

- Шарқ маънавияти тарихи ўзига хос: унинг фараҳли томонлари ҳам, қайғули жиҳатлари ҳам бошқача. Оддий халқ, яъни меҳнаткаш омма Шарқда кўп пайт тарихнинг ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий кучига айланмаган. Ҳамма нарса салтанат соҳиблари - хон, султон, подшоҳлар томонидан ҳал этилган. Шоҳ ёки султон дейилдими, бўлди: албатта, бош эгиб таъзим қилиш керак бўлган; албатта, ҳамма кори ҳолда «лаббай» дея қуллик ва мутелик «низоми»га риоя этиши лозим кўрилган; шаҳаншоҳ манфаати ва хоҳишларини барча нарсадан юқори билиш зарур саналган ва ҳоказо.

Ҳукмдор одил, маърифатли ва халқпарварроқ бўлса-ку - яхши, бироқ бир худпараст, золим, падаркуш Абдуллатифга ўхшаш телба бўлса-чи? Шунда ҳам «олампаноҳ»нинг пойига бош уриш, унинг табиати ва фаолиятига мутлақо дахлсиз хислату фазилатлардан сафсата тўқиш шарт ҳисобланган. Кўпдан-кўп подшоҳ ва султонлар ўтмишда тараққиётни, ижтимоий-маданий юксалишни эмас, маънавий-ахлоқий таназзулни тамсил этган. Уларнинг деярли ҳар бири халқни сиқувда, кўрқувда, йўқсиллик ва саводсизликда сақлаш «механизми»ни ўзича мукаммаллаштирган. Эл-юрт манфаати, бахту саодати, хотиржамлигига доир дабдабали гаплар, олий фармонлар аслида «ҳайвон қаторида саналган» ҳалойиқни эзиш, таҳқирлаш, чалғитишнинг гарови бўлган. Озарбайжон адибларидан бири йигирманчи аср бошларида мана бу фикрларни айтганда тўла ҳақдир: «Бизнинг қаршимизда тоғдай бўлиб турган истибдод, Шарқ истибдоди ва Шарқ қаронғулиги эди. Бу - шоҳ ва султон истибдоди, шариат зулмати эди. Бу - халқ ва ватаннинг тинкамадорини қурутган золим ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги, «кайфи-сафоси» эди».

Агар ўтмиш тарихимизда табиатан истибдодга қарши, адолат ва маърифатга чин ошиқ иккита подшоҳ ўтган бўлса, бири Бобур. Битта бўлса, у ҳам Мирзо Бобур. Унинг серташвиш ва серғалва умри гарчи ғам-ғусса, ҳасрату армонда кечган бўлса-да, у саодатли инсон, толе юлдузи порлоқ саньаткор. У тожу тахт ғалаёнларига чўкиб руҳини бузиб-булғамаган. Қалбини саройга «дафн» ҳам этмаган. Ҳукмдорнинг расмий ҳаётига исталган пайтда ҳасад, сотқинлик, хиёнат, алдов бостириб кириши мумкинлигини ва бу ҳаётдан фароғат, шафқат, матонат кутиш ғирт соддалик эканлигини Бобур жуда чуқур англаб етган. Унинг «Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим», дейиши қандайдир шоирона бир гап эмасди. Бу - ҳақиқат эди. Ахир, ростликка содиқ, гўзалликка толиб, ҳақ ва ҳақиқатга навкар ғурурли кўнгилдан ортиқ маҳрами сирдош топиладими? Кўнгулга гирифторлик ва муҳиблик

Азм айла, сабо, ет гули хандонимға,
Не гулки, қуёштек маҳи тобонимға,
Еттил даги иштиёқ ила Бобурдин
Зинҳор дегил: салом туқонимға.

тушунчаси орқали Бобур маънавий ҳаёт учун энг зарур, энг безавол фикр ва туйғуларга эътиборни қаратади.

Бобур бутун борлиғи билан ҳаракат соҳиби. Йўл кишиси. Майдон одами. Мен бунда ёлғиз сиёсат ва сиёсий моҳиятни назарда тутаётганим йўқ. Чунки, Бобурда жисмоний ҳаракат руҳий ҳаракатдан йироқлашмайди. Унда йўл, яъни илгарилаш туйғуси кучли. Шу боисдан унинг шоир кўнгли ва толиқмас руҳи зоҳирий қийматга эга кўп нарсаларни, ҳатто тожу тахтни ҳам писанд қилмайди. У одамлар кутмаган мавжудликдан сурур ахтаради ва ғалати «усул»ларда уни топади ҳам.

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар,
То даҳрдурур будур анинг расмиким,
Айриб кишини азизидин хор айлар.

Келмади кўнглумга ишқининг сурури давлати,
То кўнгулни меҳнату ғамга сазовор этмадим.

Бобурнинг жўраъат ва жасоратини «майдон» ёки майдон ҳамлаларидан айри ҳолда хаёлга келтириб бўлмайди. Ақл ва тадбирда бўлсин, шижоат ва матонатда бўлсин, от кишнатиб ёғийга ҳужум бошлаганда бўлсин, у чинакам марди майдондир. Майдон тўлдириб, майдон-майдон бўлиб қарши жанг қилган душманлар Бобурнинг қаҳру қиличидан кўра, унинг фикр ҳайбати ва руҳоний куч-қувватидан кўпроқ қўрқишган.

Бобурнинг маънавий салоҳияти хусусида сўзлаганда ундаги кўнгил кенглигини ҳам ўйлаш керак. У омонат ютуқ, муваққат зафарларни назарга илмаган. «Бир неча кун»га чўзиладиган ғалаба - худпарастлик, такаббурлик, калондимоғлик «май»идан маст бўлишдан сақлана олган. «Олам шоҳлари шоҳи» эмас, балки «бу даҳр забардаст» этган душманнинг боши кўкка етганда ҳам, охири яна ўша даҳр уни пастликка ирғитишини Бобур донишмандлик ила фаҳмлаган.

Душманники бу даҳр забардаст қилур,
Нахват майидин бир неча кун маст қилур.
Ғам емаки еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

Бундай теран, бундай хотиржам фикрий қаноатга етишмоқ учун бир юракда шоҳлик, шоирлик, олимлик истеъдоди билан бирга мутафаккирлик ва дарвешлик иштиёқи ҳам ҳаракат кўрсатмоғи керак.

Дарвешлик йўлидаги бир шоир:

Билмак истарсан агар маслаки дарвешонни,
Севганнинг бандасимиз, севмаганнинг султони,

дейди. Яъни, дарвешларнинг маслагини билишни хоҳласанг, эшит: кимда ишқ бўлса, кимки сева олса, биз ўшанинг қулимиз, бандасимиз; ишқсизлар - севги-муҳаббатдан маҳрумлар учун эса биз подшоҳмиз. Энди, Бобурнинг дарвешларга ишонч-эътиқодини билдирувчи форсий рубоийсидаги «Шоҳем, вале бандаи дарвешонем» - «Шоҳмиз, лекин дарвешларнинг бандасимиз», деган фикрини эслайлик. Демак, Бобур дарвешлик ҳирқаси, расм-русуми юзасидан эмас, инсон қадр-қимматини самоларга юксалтирувчи ишқ туфайли, шу ишққа таслимияти боис дарвешлик имтиёзини шоҳликдан афзал баҳолаган. Шундай пайтларда у аркони давлатни қўрқитиб, қақшатишдан кўра, Оллоҳдан қўрқишни, қаҳр-ғазаб оловини, меҳр-муҳаббат, ҳиммат сувида сўндиришни дилдан ўйлаган.

Сен борсен кимга элтай, эй шоҳ, паноҳ,
Чун барча жаҳон эли паноҳи сенсен.

Яна бир гап. Чин дарвешлар ҳамма нарсада жон борлигига иноннганликлари учун, ҳар бир нарсага марҳамат ва эъзоз ила муомалада бўлишган. Улар намоз ўқиганда саждa жойини ўпишган. Бирор манзилга эсон-омон етиб боришгач, ер ўпиб шукр саждасини адо этишган. Ҳаммани елкасида кўтариб, ҳар кимга хизмат этаётган она замин одам юраётганда озор чекмасин дея улар оҳиста одим босишган. Сув ичилганда, овқат ейилганда идишлар енгилгина ўпилган. Дастурхон очилганда ҳам, йиғиштирилганда ҳам шундай қилиниб бир чети ўпилган. Буларнинг барисига «кўришиш» дейилган.

Мен Бобурнинг жонажон Ватан тупроғи, унинг оқар сувлари, сархил мевалари, бир дастурхон атрофида тўпланган ёру дўстлари ҳақида соғинч ила айтилган фикрларини ҳар гал ўқиганимда дарвешлардаги ана шу «кўришиш» ишончи ва эҳтироми хотирга тушади. Бобур жонсиз нарсаларнинг мўъжизасига ҳам инонади. Дарвешона бир эъзозу эҳтиром билан уларни кўзга суртиб ўпади, ўпиб-кўзларига суртади.

Номани менга равон айлабсен,
Жони йўқ жисмимга жон айлабсен.

Кўрубон номани ўздин бордим,
Ўқубон сўзини, сўздин бордим.

Кўргач - ўқ кўзима суртуб ўптум,
Ўпгач - ўқ бошима қўюб қўптум...

Хуллас, Бобурнинг кўнгил фалсафасини англашни унинг руҳоний ҳаётига йўл топишдан бошлаш зарур.

- Эрнест Хемингуэй «Чол ва денгиз» асарида «Инсонни янчиш мумкин, аммо уни енгиш мумкин эмас», дейди. Бобур ана шундай мангу енгилмас шахс. «Гаҳ бошида тож, гаҳ балойи таъна» исканжасида қолган шоирнинг иродаси букилмас, умидлари қуёшдек порлоқ. Шу боис, унинг мероснни ўрганиш орқали ўзимизни ислоҳ қиламиз, масъуллик туйғумиз ошади.

- Биласизми, Бобурда огоҳлантирувчи, муҳофаза этувчи сирли-сеҳрли бир куч бор. Бу нарса «Бобурнома»ни ўқиганда ҳам, шеърларини мутолаа қилганда ҳам сезилиб, ўзини билдириб туради. Бобурнинг ақли, энг аввало, одамни ўзига ишонмасликдан, ўзини ўзи хору хароб айлашдан ва ҳар турли ахмоқликлардан ҳимоя этади. Бобурга руҳан ва маънан яқин боришга уринсангиз, дастлаб:

Шаҳвату нафс қавий душмандир,

деган гапга унча аҳамият бермаслик мумкин. Аммо шундай бир пайт ва маънавий фурсат етадики, беихтиёр чин иқрор билан:

Умр ғафлат била ўткармишмен,
Нафс буйруғи била бормишмен,

дейсиз ва бошқача яшаб, бошқача кўриниб юришингиздан ҳам, ўзгача сўзлаб, ўзга бир ишнинг кетидан қувишингиздан ҳам албатта уяласиз. Ана шу «ўзгача»лик ниҳоятда ёмон ва хавфли. Шу учун ҳам Алишер Навоий:

Олам аҳли ичра одам демак ўлмас аниким,
Жоҳ ила бўлгай анга қонуни атвор ўзгача,

демишлар. Яъни: Мансаб, юқори мартаба туфайли феъл-атвори ўзгариб, ўзига ўзгача «қонун» яратиб олган кимсани сен одам дема. У аҳли оламдан ажралган бир махлуқдир. Навоийни ўзига устози аввал билган, Навоийнинг сўзларини кўнглига нақшлашдан ҳузур-ҳаловат топган Бобур ўзини халқдан ажрата олармиди?

Бухорода ҳукмронлик қилган манғит ҳукмдорлари тарихини ўқиб-ўрганганим сайин менинг кўнглим ғуссага тўлиб, «Шунақа ҳам калтабинлик, шунақа ҳам тубанлик ва золимлик бўладими?» - деган саволга жавоб тополмай қоламан. Ўша амирлар орасида ҳам сўфийлик ҳирқасини ўзига шоҳлик хилъатидан баланд қўйганлар, илоҳий ишқ мавзуида шеърлар ёзганлар бўлган. Ўшалар ҳам ўзларини дин, диёнат, юрт ва миллат муҳофизи қиёфасида намоён этишган. Аммо золимлик ва жаллодликда бола отадан, набира бободан ўзиб, ҳатто бозор ва сайлгоҳлардан қатлгоҳ сифатида фойдаланишган.

Нимани ўрганиб ёки ибрат олиб бўлади бу мустабидликдан? Шунча ҳушёрлиги, сезгирлик ва одиллигига қарамай Бобур барибир ҳаққоний хулосани айтишдан чекинмайди:

Давлат ўтрусиға мени солдинг,
Ғафлат уйғусиға мени солдинг...

Бобурнинг дунёга муносабатида қизиқиш ҳам бор, таъна маломат ҳам бор, шикоят ва кечириш, саркашлик ва кулиш ҳам бор, лекин ҳурмат-эҳтиром йўқ. Нега? Негаки:

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур,
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Даҳрға не вафодир не раҳм,
Даҳр кўп бевафодур бераҳм.
Йўқтурур меҳри ҳеч кишига анинг
Эътимод этма ҳеч ишига анинг...

Бу фикрлар кишини дунёга бир хил нигоҳ билан қарамасликка, кўнгилни «даҳри дун» қўлига топшириб руҳоний қувватдан мосиво бўлмасликка чорлайди. Энг муҳими, Бобур бадиий мероси миллат бирлиги, миллат яхлитлиги деган камёб бир туйғуни жонлантирадики, ҳеч шак-шубҳасиз одам ўзининг майдалиги, моумонлиги, худпарастлигидан хижолат чекади...

- Бобур ижодини нурлантириб турган ўзига хос хусусият унинг самимиятида. У ким ҳақда ва нима ҳақда ёзмасин аввало ҳақиқатга содиқ қолади. Дарду ғамини ҳам, қувонч-севинчини ҳам ошкора айтади. «Бобур инсонлар ичида энг ростгўйидир» деганди Хайриддин Султонов. Эътибор берган бўлсангиз, шунча жанг-жадаллар, хиёнату разолатлар гувоҳи бўлган буюк зот юртидан келтирилган қовунни еб, «ғариб таъсир қилди, тамом йиғлаб эдим» деб ёзиши кишини ҳайратга солади, ўйлатади. Ватанни соғиниб, «хазон япроғи янглиғ» ҳажрида сарғайиб, йўлларида «барги хазондек», «ёлбариб», бахт юлдузини қисмат китобидан излаб «бу қандай толеъ бўлди», дея ғазаллар битган шоир кўнгли шу боис юрагимизга яқин. Унинг соғинч тўла битиклари билан юракка жонажон Ватан меҳри шуъулаланади. Юртнинг ҳар сиқим тупроғи, ҳатто гарду гиёҳи тавоф этгулик муқаддас эканлигига яна бир карра амин бўламиз. Яхши шеърда ана шундай туйғуларнинг юқувчанлиги, руҳларни уйғотувчи хусусият бўлади. Шундай эмасми?

То қилди мени фироқ аро ёд ҳабиб,
Маҳжур кўнгулни айлади шод ҳабиб.
Гар васли муяссар ўлмаса, нетай, эй Бобур,
Фарёд ҳабибу оҳу фарёд ҳабиб.

- Ким айтгани ҳозир ёдимда йўқ, аммо «Қаҳрамон даврлар бўлмайди, қаҳрамон шахслар бўлади», - деган бир фикр хотирамда ўрнашиб қолган. Ҳар қалай шу гапда жон бор. Баъзан биргина буюк Шахснинг дунёга келиши бутун миллат онгу идрокини ўзгартириб, янгратиб юборади. Боз устига у донишманд ҳукмдор, истеъдодли адиб, ҳассос шоир, беназир мутафаккир бўлса, албатта, эл-юрт учун ҳақиқий - тарихий омад бу. Шу маънода **Бобурнинг шеърларидан бизнинг дилимизга оқиб кирадиган завқ, ҳазилакам завқ эмас: у фавқулодда тўлқинли, мунаввар, кудратли ва ҳаётбахш ЗАВҚ.** Руҳи сўнмаган, кўнгли ўлмаган одам ундан ўзи учун барча юксак туйғуни топади.

Ўлум уйғусиға бериб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда...

Ҳатто мана шу ҳолатга етганда ҳам нокаслик ва номардликка ён бермайди. Бобур бир ўринда «Ғаму дарду алам билан тўлдим», дейди. Бироқ «юз ҳасрат»и «юз минг аламу фироқ»ка етганда ҳам бировлардан нолимайди, ўксикликларга берилмайди, балки айбни ўзидан ахтаради, ўзи саволлар қўйиб, ўзи жавоблар излайди.

Бу не умру бу не балолиғдур,
Бу не тавру юз қаролиғдур.
Йўқтурур ҳеч эътимод санга,
Тенгридин йўқмудур умид санга?

Энг кечирилмас алданиш - инсоннинг ўзини ўзи алдаши. Энг ёмон адашиш - кишининг ўз сийратидаги адашиш. Энг хавфли қўрқув - одамнинг нафсидаги ва нафси туфайли мавжуд қўрқув. Бобур шеърияти бизу сизни шулардан қутилишга даъват айлайди.

Гарчи зоҳирда тўғридинтур нафс,
Жамъинг уйида ўғридинтур нафс...
Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,
Қодир ўл ҳарна сўз десанг сўзунгга...

- Жалолиддин Румий ҳазратлари «Эзгуликдан кўрғон қур, токи дунё тургунча турсин» деганлар. Бобурнинг бой ижодий мероси, Бобур ва бобурийлар барпо этган салтанат, улар қурдирган муаззам қасрларни дунё тургунча тургувчи эзгулик қурғони десак арзийдими?

- Аҳли тасаввуф «Зоҳири обонинг ботини барбоддир», дейишган. Бу - зоҳирпарастликка, яъни моддий қувват ва маҳобатга берилиб, инсондаги ички бузғунликларни ўйламайдиган кимсаларга қарши айтилган фикр. Агар миллатнинг «ботин ободлиги» кўнгилдагидек бўлмаса, агар одамлар фақат суратни кўзлаб, сийратни тузатишга бефарқ қараса, муаззам қасрлар, ҳашаматли бинолар ўт янглиғ гуриллайдиган ғалаён ва фожеаларга тўсиқ бўлолмайди. Бобур буни ҳамма нарсадан ортиқ ва яхшироқ англаган. Унинг учун энг асосийси Маърифат, Гўзаллик ва Яхшилик «қасри» ҳисобланган. Бунда у Шарқнинг буюк мутафаккирларига маслакдош ва издошдир.

Юз номаи иштиёқ, таҳрир эттим,
Юз навъ била васлингга тадбир эттим,
Маъзур тут, эй қуёшки, толеъ йўқидин,
Васлингга етар маҳалда тақсир эттим.

Мавлоно Румий бир шеърларида ёзадилар:

Мол аз ҳама монду аз ту ҳам хоҳад монд,
Он беҳ, ки ба жои мол неки монад.

Мазмуни: молу мулк ҳаммадан ҳам қолади. Уни сен ҳам олиб кетолмайсан, барибир қолдирасан. Молу мулк ўрнида яхшилик қолгани мақбул ва манзурдир. Бобур ғазалларидан бирида айнан шу фикр-қарашни ривожлантиради:

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Бобурнинг ижодиёти «бори элга яхшилиғ»нинг олий намунаси эди. Ўз номини абадийлаштириш, элнинг ризқини қийиб шон-шуҳратини кулоч ёздириш ғарази аралашмаганлиги туфайли ҳам Бобур ва бобурийлар қурдирган бинолар эзгулик тимсоллари саналади...

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугангуси машаққатқа мени,
Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
Меҳнатни манга яратти, меҳнатқа мени.

- Иброҳим ака, Бобур ҳақидаги олдинги суҳбатимизда: «Бобурнома»га ўхшаш китобларни мутолаа қилганда, «Қандай ўқиш керак?» деган саволга асосланиш камлик қилади. Бунга «Ким бўлиб ва нимани кўзлаб ўқиш керак?» деган савол ҳам қўйилмоғи керак», деган эдингиз. Тўғри, кейинги йилларда Бобуршунослик борасида мақтовли ишлар амалга оширилди. Бобур ҳақида бир-биридан гўзал асарлар ёзилди. «Бобур изидан» илмий экспедициясининг эзгу қадамлари тарихнинг очилмаган қирраларига зиё бахш этмоқда.

- Чиндан ҳам «Бобурнома»нинг ўқилишини жиддий ўйлаш керак. Бу китобга кўп таърифлар берилган. Унга бағишланган тадқиқотлар бор. Лекин шундай шоҳ асарни - ўзбекнинг ўзбеклигини жаҳонга танитган нодир бир китобни ўқиб-ўрганаётганларнинг сонини хаёлга келтирсангиз, албатта, унча қувонмайсиз. Ҳолбуки, «Бобурнома» миллатимизнинг ўзига хос мардлик, жасорат ва ғолиблик қомуси ҳамдир. Унинг соддалаштирилган матнини ўқувчиларга етказиш зарур деб ўйлайман. Бундан ташқари, фаннинг турли соҳа вакиллари «Бобурнома»га шарҳлар ёзиши лозим. Зеро, у Навоийнинг «Хамса»сидан кейинги бош китобимиздир.

Суҳбатдош: Амина ҚОДИРОВА, «Ишонч» махсус мухбири

ҒАЗАЛ

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, арз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлиғ кўнгул гул орзусини қилмағай.

Йўқтур улким гул юзунгдин ойру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул, сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин ойрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.

ҒАЗАЛ

Хазон яфроғи янглиғ, гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй руҳ, бу чеҳраи зардим.

Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёғингга тушуб барги хазондек мунча ёлбардим.

Латофат гулшанида гул кабисен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон яфроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим сориғ юзумдин эл танаффурда,
Баҳор ранги, биҳамдиллаҳ, улусдин ўзни қутқардим.

Не толеъдур мангаким ахтари бахтим топилмайди,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Ё улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон, яхшидин ўткардим.

Бобур 20 ёшида «Хатти Бобурий»ни кашф қилди. Бир-биридан гўзал ғазаллар битиб, девонлар тузди. Дунё маънавияти ва маданияти дурдонаси ҳисобланмиш «Бобурнома» тарихий бадиий асарини яратди. Мусиқани нозик ҳис этиб, «Чоргоҳ» мақомига «савт»лар битиб, миллий мусиқамиз ривожига ҳисса қўшди. «Мубайн ал-закот» (закот баёни) шеърий асари солиқ тизимига бағишланган. Аруз вазни ҳақидаги «Мухтасар» асари эса Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асаридан кейин аруз илмига бағишланган мукаммал қўлланмадир. Бундан ташқари, унинг «Ҳарб иши», «Мусиқа илми» асарлари ҳам маълум. Шунингдек, у Хожа Аҳрорнинг «Волидия» асарини шеърий усулда ўзбекчага таржима қилган.

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

«НАВОИЙХОН ТАЛАБА»

Танлов

Ўзбек адабиётининг буюк бобокалони Алишер Навоий умумбашарий мумтоз адабиётда салмоқли ўрин тутади. Унинг бебаҳо ижодий мероси талаба ёшлар учун ҳам маънавий-маърифий тарбия воситаси сифатида қадрланмоқда.

Буни инобатга олиб республикамизда «Навоийхон талаба» танловини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган бу тадбир талаба ёшлар ўртасида Алишер Навоий ижодини кенгроқ тарғиб этиш ва ўрганишни ташкил қилиш имконини берди. Танлов олий ўқув юртлари талабаларида мумтоз адабий-маънавий меросга қизиқишларини рағбатлантириш, буюк аждодларимизга ҳурмат ва ифтиҳор туйғусини уйғотиш мақсадида ташкил этилмоқда. Шу жараёнда мумтоз адабиёт бўйича иқтидорли талабалар аниқланиб, уларнинг Навоий ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиши янада оширилади.

Барча олий ўқув юртлари томонидан амалга ошириладиган бу танловни ўтказиш бўйича Низом ҳам ишлаб чиқилди. Унда талаба ёшларнинг мумтоз адабиёт бўйича билимини баҳолаш мезонлари ҳам белгиланди. Низомга кўра, мамлакат олий таълим муассасаларида ҳар йили феврал ойининг 10-12 кунларида танловнинг биринчи босқичи ўтказилади. Республика босқичи эса 20-25 феврал кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилади.

А.АЛИЕВ

ҲАКАММИ, ФУТБОЛЧИ?

1960 йилги Испания чемпионатида аниқроғи, «Рионе» ва «Ла Катина» жамоалари баҳсида «яшил майдон»да камдан-кам учрайдиган ажабтовур воқеа рўй берди. Ўйин бошларида тўп бехосдан учрашувни бошқариб бораётган ҳакамнинг оёқларига теккан ҳолда йўналишини ўзгартирди ва мезбон жамоа - «Рионе» дарбозасига бориб тушди. Футболчилар, мураббий ва мухлисларнинг эътирозига қарамасдан ҳакам голни инобатга олди: ҳисоб –1:0.

Бундан ғазабланган мезбон футболчилар жон-жаҳди билан гол киритишга ҳаракат қила бошлашди. Лекин учрашувнинг биринчи тайми ниҳоясига етиб, иккинчи бўлим охирлаб ҳам қолдики, ниятларига етиша олишмади. Натижада майдондаги ва трибунадаги вазият таранглаша бошлади. Албатта, бу ҳолдан бош ҳакам қўрқув ва хавотирга тушди. Қарангки, уни яна бир тасодиф «қутқарди». Ўйин тугашига бор-йўғи 3 дақиқа қолганида... тўп бош ҳакамнинг бошига тегди ва меҳмонлар дарбозаси тўридан жой олди! Энг қизиғи, 1:1 ҳисобида якунланган бу баҳсдаги иккала гол ҳам ҳакамнинг ҳисобига ёзилди.

ДОСТОНЛАР РАССОМ ИЖОДИДА

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошевнинг «Достонлар куйчиси» деб аталган шахсий кўргазмаси ўтказилмоқда.

М.Йўлдошев кўп йиллар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида бош рассом бўлиб ишлади. Бугунги кунда у томошабинлар орасида ҳам безакчи, ҳам рассом сифатида танилган.

Мўйқалам устаси манзаралар, натюрмортлар, портрет ва маиший саҳналарни моҳирона яратади. Унинг асарларида жасоратларга қодир қаҳрамонлар акс эттирилган. Яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш рассом ижодига хос мавзудир.

– Башарти, сенга шер ҳамла қилиб қолса, нима қилардинг?
– Отиб ўлдирардим.
– Тўппончанг бўлмаса-чи?
– Пичоқ санчардим.
– Пичоғинг ҳам бўлмаса-чи?
– Эй, қанақа одамсан ўзи, менда қасдинг борми?

НИМ ТАБАССУМ

* * *

Бир ходим ишга кеч келар, бошлиқ эса унинг кеч қолгани учун маошидан ушлаб қолар экан. Ниҳоят, бир куни бошлиқнинг тоқати тоқ бўлипти.

– Айб эмасми ҳадеб кеч келиш?

– Нега айб бўлар экан. Кеч қолсам, ўз пулимга кеч қоляпман-ку!

* * *

Она: Қизим, у сени ўпмоқчи бўлса, бунга йўл қўя кўрма!

Қиз: Ойижон, у мени ўпмоқчи бўлмаса-чи?

* * *

– Баланс қалай? Тийин-тийинига тўғри келяптими? – деб сўради тафтишчи бухгалтердан.

– Тийин тийинига-ку, тўғри келяпти-я, лекин минг-мингига ҳеч тўғри келмаяпти.

* * *

Рельс устида ётган одамдан сўрашяпти:

– Нима қилиб ётибсиз?

– Ўлмоқчиман.

– Унда ёнингиздаги нонни нима қиласиз?

– Поезд кечикса, ейман.

* * *

Кинодан қайтаётиб, хотин эридан сўради:

– Ростини айтинг, фильмда кўринган қизлар ичида мендан чиройлиси борми?

– Йўқ, йўқ, гўзалим! Бу фильм экан-ку, бутун жаҳонда сенга тенг келадигани йўқ.

Хотин жуда ийиб кетипти:

– О-о, қанчалик яхшисиз! Қанчалик вафодорсиз!

Қанчалик суюмликсиз...

.– .. ва қанчалик қўрқоқман! – деб қўшиб қўйибди эр.

* * *

Бир одам қишлоққа бориб, 90 яшар чолга дуч келибди.

– Бу қишлоқнинг энг кексаси сиз бўлсангиз керак-а?

– Йўқ. Менинг отам. У киши 109 ёшдалар.

– Ўх-ҳў! Табаррук одам эканлар. У кишини зиёрат қилсак бўладими?

– Имкони йўқ. У киши қўшни қишлоққа бобомни кўргани кетганлар.

* * *

Бир киши дўстиникига меҳмонга борди. Дўсти бир коса сут қуйиб деди:

– Ичавер, дўстим, қатиқ ҳам, қаймоқ ҳам, пишлоқ ҳам шунинг ичида.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, сут берган одам дўстиникига меҳмонга борипти. Мезбон бир бош узум қўйиб, дебди:

– Олавер, дўстим. Сирка ҳам, шароб ҳам, кишмиш ҳам шунинг ичида.

«ШОИР ВА ОЛИМ» ЧАЙНВОРДИ

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари. 2. Бобур барпо этган Ҳиндистон давлати пойтахти. 3. Шоир сиймосини театр саҳнаси ва экранда гавдалантирган санъаткор. 4. Ижодкор соғиниб асарларида эзозлаган улуғ маскан. 5. Мактуб. 6. Халқаро Бобур жамғармаси мукофотига сазовор бўлган ўзбек олимаси. 7. Давлат арбоби, тарихчи ва адиб Абулфазл Алломийнинг Бобурнинг набираси ҳақидаги уч жилддан иборат нодир асари. 8. Бобурийлар сулоласидан Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли Зебуннисо бегимнинг отаси. 9. Бобур билан суҳбатда бўлган шоир, мусиқашунос, тарихчи «Шайбонийнома» асари муаллифи. 10. Асарнинг ёзилиш тарзи. 11. Бобурнинг онаси исмидан Қутлуғ... 12. «Бобурнома»нинг биринчи қисмида баён этилган воқеалар бўлиб ўтган ва маълумотлар берилган ҳудуд. 13. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи қаҳрамони. 14. Асарнинг хотимаси. 15. Қобул шаҳридаги «Боғи Бобур»нинг илк номи. 16. Бобурнинг биринчи ўғли Ҳиндистон ҳукмдори. 17. Шеърият, бадиий ижод соҳаси. 18. Бобур меросига мансуб маснавий тарзида ёзилган, ислом дини ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган асар. 19. Шоир рубоийсидан:

Аҳбоб, йиғламоқни фароғат тутингиз!
Жамиятингиз борини давлат тутингиз!
Чун гардиши чарх бу дурур, Тангри учун,
Бир-бирни... кун ғанимат тутингиз!

20. Фаолияти «Авлодлар девони» романида баён этилган бобурийзода.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. «Ҳумоюннома» асарини ёзиб қолдирган ўрта аср шарқидаги биринчи тарихчи аёл Бобурнинг қизи - 12, 10, 6, 11, 1, 9, 1, 8, 11, 21, 12, 5, 15.

2. Шоирнинг ёшлик даври ўтган сўлим водий - 23, 6, 4, 13, 7, 8, 1.

3. Ҳиндистондаги йирик шаҳар - 9, 21, 22, 6, 5.

4. Ўтмишда подшоҳнинг турли маросимларини ўтказишда мутасадди бўлган лавозимли шахс - 16, 14, 5, 18, 7, 13, 1.

5. Бобур ёзиб қолдирган фарддан:

Хуш ул бурунки замонларки - ўттию борди,
Хуш ул кишики замонларни 3, 2, 14, 5 ўткорди.

6. Шоирнинг отаси, Фарғона вилояти ҳокими - 10, 15, 1, 4, 14, 1, 19, 2.

7. Мусиқали санъат асари - 17, 20, 14, 5, 17.

Энди очқич жавоблари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларда яширинган муаммономани ҳал этинг. Бунда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг икки мисра ҳикматини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Ф.ОРИПОВ тузди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ - ҒОЛИБ!

Россия пойтахти Москва шаҳрида енгил атлетика бўйича ўтган халқаро турнирда ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда уч ҳатлаб сакраш бўйича ўзбекистонлик Тарас Моисеенко биринчи ўринни эгаллади.

Қизлар беллашувида узунликка сакраш бўйича Юлия Тарасова 6 метр, 12 сантиметр натижа кўрсатиб, олтин медаль соҳибаси бўлди.

(ЎзА)

Анъана этади давом

МУЪЖИЗА ЯРАТГАН ҚЎЛЛАР

Бирон-бир соҳа ҳақида фикр юритилганда унинг ривожига катта ҳисса қўшган инсонларнинг номлари фахр ила тилга олинади. Чунончи, нақш ўймакорлиги хусусида гап очилса, машҳур уста Маҳмуд ота Усмонов ёдга тушади. Сохибкорлик ва боғдорчилик борасида сўз кетганида Ризамат ота Мусамуҳамедов эсланади. Мамлакатимизда цитрус ўсимликларини парваришлаш ва сархил меваларини етиштириш борасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида суҳбат қизиганида эса биринчилардан бўлиб Зайниддин Фахриддинов номи хотирланади.

Республикамизда лимон, мандарин, апельсин сингари хуштаъм неъматларни етиштиришни йўлга қўйиш йигирманчи асрнинг эллигинчи йиллари охирларида киришилган. Ўшанда 32 та хўжалик танлаб олиниб, лимон кўчатлари ўтқазилган эди. Лекин биринчи қишнинг ўзидаёқ уларни совуқ уриб кетган. Шунда айримлар ҳафсалалари пир бўлиб, бу соҳани йўлга қўйиб бўлмас экан, деган фикрга боришган. Ана шу ишлар билан қизиқиб юрган, падари бузрукворидан ёшлигида миришкорликнинг сир-синоатини ўрганган Зайниддин Фахриддинов бошқача йўл тутди. У кўп йиллар давомида Ўзбекистондан Грузияга атиргул кўчатларини олиб бориб, лимончилик соҳаси билан яқиндан танишганди. У бу нозик ўсимликни Ўзбекистон табиий-иқлим шароитига аста-секинлик билан мослаштириш керак, деган тўхтамга келган. Миришкор олтмишинчи йилларнинг бошларида Грузиядан келтирган лимон кўчатларини қарийб бир ярим метр чуқурликдаги ҳандаққа экиб, ўзига хос иссиқхона вужудга келтирган. Кейинги йилдан бошлаб кўчатлар иқлим шароитига ўрганиши учун иссиқхонанинг айрим жойлари вақти-вақти билан очиб қўйилган. Шу тариқа

ўсимликларнинг совуққа чидамлилиги оширилди. Изланиш давом эттирилиб, навлар чатиштирилди, танлаб олиш ва бошқа усуллар асосида "Ф-1" Тошкент лимон нави яратилди. Кейинчалик "Ф-2", "Ф-3", "Ф-4", "Ф-5" навлари дунёга келди. Зайниддин Фахриддинов лимон билан чекланиб қолмай, апельсин, мандариннинг янги навларини яратишда ҳам катта муваффақиятларга эришди. Халқ селекционери яратган цитрус мевалар Ўзбекистоннинг кўпгина минтақаларига тарқалиб, халқимиз ажойиб неъматлардан баҳраманд бўлди. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шу соҳага ихтисослаштирилган хўжаликка кўп йиллар омилкорлик билан раҳбарлик қилган З.Фахриддиновнинг цитрус мевалари қайта ишланиб, улардан шарбатлар, чанқовбосди ичимликлар тайёрлаш йўлга қўйилишига ҳам кўп меҳнати сингган. Халқимиз орасида ўз соҳасининг академиги деб ном олган миришкор инсон қўллари, меҳнати мўъжизалар яратиши мумкинлигини амалда кўрсатди. У яратган навлар бугунги кунда мамлакатимизнинг кўпгина минтақаларидаги хўжаликларда, фермер ва деҳқонларнинг иссиқхоналарида кўпайтирилиб, аҳоли дастурхонига шифобахш неъматлар етказиб берилаяпти.

Цитрусчилик соҳасида маълум муддат айрим қийинчиликлар юзага келган бўлса-да, ҳозирги пайтда Зайниддин Фахриддинов эзгу ишларини унинг фарзандлари, хусусан, ўғли Муҳаммадазиз Фахриддинов давом эттираяпти. У цитрус ўсимликлари ўстирувчиларга кўчат етказиб бериш билан бирга иссиқхоналарда тупроқ унумдорлигини ошириш, турли ҳашаротларга қарши самарали курашиш борасида ижодий изланмоқда. Шу билан бирга бир туп ўсимликда лимон, мандарин ва апельсин етиштириш борасида тажриба ўтказаяпти. Тошкент Давлат Аграр университетида таълим олаётган ўғиллари Муҳаммадали ва Муҳаммадазимларга ҳам цитрусчилик сирларини ўргатиб, уларда бу соҳага меҳр уйғотмоқда. Демак, оила анъаналари давом этади.

С.АЛИЕВ

Фотожурналист Н.Муҳаммаджонов архивидан олинган суратда халқ селекционери Зайниддин Фахриддинов (чапда) ўғиллари Муҳаммадазиз ва Шамсиддинларга йўл-йўриқлар бераётган лаҳза акс эттирилган.

Муҳокама учун мавзу

СЎЗЛАМА ПАРДОЗ БИЛАН...

Одам боласи дунёга келган кунидан бошлаб гўзалликка интилади. Оламни гўзал кўрганида бахра олганидан бўлса керак, ўзини ҳам бошқалар кўзига чиройли кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу унинг ташқи кўринишига оро беришидан тортиб, одамлар билан мулокотда чиройли сўзларни топиб айтишга бўлган интилишидан ҳам яққол билиниб туради. Шу зайл одамзот нафақат ўзига, балки сўзига ҳам пардоз бера бошлайди.

Бу ишга ортиқча берилиб кетганлари эса Абдулла Қаҳҳорнинг «Нутқ» ҳикоясидаги «кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган» нотиқ каби ҳатто ўзининг жуфти ҳалолига ҳам қуйидаги усулда гапирадиган бўлиб қолади: «Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, ҳушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!..». Қуш инида кўрганини қилади деганларидек бундай оилада тарбия топган болаларнинг нутқи ҳам ота-онасиникидан катта фарқ қилмайди, албатта. Кўрибсизки, расмий нутқ, сунъий муомала «кенг фронт бўйлаб» илдиз ота бошлайди. Айниқса, ўзлигимизда ажралиб яшаган йилларимизда жуда кўп бошқа нарсалар билан бир қаторда ҳақиқий миллий муомала маданиятимиздан ҳам йироқлашиб кетдик. Чунки бу йилларда бизнинг онгимизга ўз миллати, ўз тили, ғурури ва урф-одатидан ор қилиш руҳи ҳам сингдириб борилган эди.

Охир-оқибатда шунга бориб етдикки, она сутимиз билан қонимизга кирган тилимиз табиатига зид иш тута бошладик, яъни гапларимиз сунъийлашиб, миллийликдан йироқлашиб борди.

Бутун бошли миллатнинг тилига зимдан ружу қилинаётган ўша кезлари адабий тилнинг асосий озуқа манбаи бўлган шевада гапириш гуноҳи азимдек бўлиб қолган эди. Бу офатнинг таъсири эса ҳали-ҳануз сақланиб турибди. Агар ойнаи жаҳон кўрсатувларига эътибор берсангиз, мухбир билан бирор киши (кўпинча оддий меҳнаткашлар) мусоҳаба олиб бораётган пайтда суҳбатдош анча ноқулай аҳволга тушади. Чунки мухбирларнинг адабий тилда чиройли гапиришига қараб, суҳбатдошлар ҳам шевада гапиришдан уялиб, қийналиб бўлса ҳам адабий тилда гапиришга ҳаракат қиладилар. Масалан: «Бу йил хўжалигимиз заршунослари об-ҳаво инжиқликларига қарамай, ўз зиммаларига олган йиллик плонди ортиғи билан адо этдилар...» каби. Бундай зўрма-зўракилик мусоҳабанинг табиийлигига путур етказади, томошабинни шу мавзудаги кўрсатувларни кўришдан бездиради.

Олис Хоразмдан Фарғонага илм истаб келган талаба қизнинг бир галги саволимга «хўва» дея берган жавобини эшитдим-у, ўша томонлик курсдош дўстимнинг хоразмча гаплари ва шоир Эркин Воҳидовнинг қуйидаги шеъри ёдимга тушиб кетди:

Тинглайман кўп ўзбек сўзларни
Хоразмча талаффузини.
Хуш кўраман у ер қизларин
«Қўйсангиза» деган сўзини.
Улар буни айтса мулойим
Тилидан бол томгандай бўлар...
Хоразмлик қизларни доим
«Қўйсангиза» дегизгим келар.

Ҳа, ўзбек шеваларининг ҳар бири ўзича гўзал, ўзига хос мафтункор. Аммо марказий шаҳарлар, масалан, Тошкентга ўқишга ёки ишга келган ёшларнинг ўз шеваларида гапиришдан уялибми, ор қилибми, Тошкент шевасида гапиришга уринишларига тез-тез дуч келиб турамиз:

- Тошкентда ўқийсизми? - сўраймиз пойтахтлик эмаслиги шундоққина билиниб турган йигитчадан.

- Ҳа, ўқивопман, - дейди йигитча гап бергиси келмай.

- Нечанчи курсда?

- Биринчи курсда-де!..

Шўрлик йигит қанчалик чиранмасин, гаплари сохта, нотабиий чиқаверади. Тўғри, Тошкент шевасида оғизни тўлдириб гапириш ҳаммага ҳам ёқиши мумкин, аммо ўзга шевада гапиришга тиришиб қийналишнинг, тил бурашнинг нима ҳожати бор? Ҳар ким ўз шевасида гапирса яхши эмасми? Чунки бугун ўз шевасидан ор қилган одам эртага миллий урф-одатидан, тилидан ҳам тонмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Инсон ўз ҳаётида қанчалик юксак мартаба ва унвонларга эга бўлмасин, барибир, содда ва самимий сўзни соғиниб, табиийликка интилиб яшаши керак.

Сиддиқ МЎМИНОВ

ИНФОРМАЦИЯ
О существенном факте, событии, действии эмитента ОАО «Таъминотчи Пахта»

Расположенного по адресу:
Ташкентская область,Чиназский район, п. Эски-Ташкент
Код ОКПО 14910616, ИНН:200453562

Сообщение 07 (наступление даты закрытия реестра)

7 января 2005 года Наблюдательным Советом ОАО «Таъминотчи Пахта» принято решение о закрытии реестра акционеров на дату 11 января 2005 года.

Сообщение 09 (решение внеочередного общего собрания акционеров).

Вид общего собрания – внеочередное
форма проведения общего собрания – очная.
Дата проведения общего собрания – 11февраля 2005 года.
Место проведения общего собрания – п.Эски-Ташкент Чиназского района,-конференц.зал ОАО «Таъминотчи-Пахта»

Кворум общего собрания – в собрании приняли участия акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности 99120 голосами, что составляет 72,5 % от общего количества размещенных голосующих акций общества.

Вопросы, поставленные на голосование, и итого голосования по ним.

Полные формулировки решений, принятых общим собранием:

По первому пункту повестки собрания: Довыборы в Наблюдательный Совет – Избрать в Наблюдательный Совет – Расулова К.А.

«За» – 94909 **«Против»** – 4211 **«Воздерж.»** – нет

По второму пункту повестки собрания: Выборы Председатель Правления – Избрать Председателем Правления ОАО «Таъминотчи-Пахта» Иргашходжаева М.М.

«за» – 99120 **«Против»** – нет **«Воздерж»** – нет.

СООБЩЕНИЕ 10 (изменения в персональном составе Исполнительного органа и в персональном составе Наблюдательного Совета)

11 февраля 2005 года внеочередном общем собрании ОАО «Таъминотчи-Пахта» приняты решения об изменении в персональном составе Исполнительного органа:

Адылов Ш.Т. освобождён от должности Председателя Правления, Иргашходжаев М.М. избран Председателем Правления ОАО «Таъминотчи-Пахта».

В Наблюдательный Совет избран Расулов К.А. в связи с выходом из состава Наблюдательного Совета представителя ОАО«Агротаъминот -БС» – Шазимова А.О.

Все акции ОАО «Таъминотчи-Пахта» размещены и выкуплены полностью.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17262 Буюртма Г— 115 1 2 3 4 5